



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 22 май, № 103 (7061) Сешанба

Сайтмига Утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ, ЯХШИ ЯШАШГА ИНТИЛИШИ ВА ИШТИЁҚИ ОРТМОҚДА



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 19-20 май кунлари Андижон вилоятида бўлди.**

Президентимиз 2017 йил 2-3 июнь кунлари вилоятга ташрифи чоғида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни билан танишар экан, бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан топшириқлар берган эди. Утган вақт мобайнида ана шу йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Утган йилги ташрифдан сўнг ишлаб чиқилган 2017-2018 йилларга мўлжалланган дастурга мувофиқ, вилоятда 2017 йилда умумий қиймати 1,5 триллион сўм бўлган 3 мингдан зиёд лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида иқтисодий-ижтимоий соҳаларда сезиларли ўсишга эришилди. Мухими, одамларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб, яхши яшашга интилиш ва иштиёқи ортди. Бу юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим самарасидир.

Давлатимиз раҳбарининг Андижонга бу гагли сафари давомида аввалги ташриф асосида берилган топшириқлар ижросига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, вилоятни янада ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳалар ижросининг бориши, аҳолининг талаб-эҳтиёжи билан бевосита танишиш ва бу борадаги келгуси режаларни белгилаш диққат марказида бўлди.

Президентимиз ўтган йили Андижон

тумани Хакан қишлоғида "Milana textile" масъулияти чекланган жамиятининг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш лойиҳаси билан танишган эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 9 миллиард сўм инвестиция киритиш, 200 янги иш ўрни яратиш шарти билан корхонага Хакан қишлоғида бир гектар ер майдони ва фойдаланилмай турган бино "ноль" қийматда берилди.

Корхона "Алоқабанк" вилоят филиалидан олинган 2 миллиард сўм кредит ҳамда 7 миллиард сўм ўз маблағи ҳисобидан уч қаватли бино қуриб, замонавий жиҳозлади. Хорикдан келтирилган тикув дастгоҳлари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Бу ерда аёллар ва болалар учун ишлаб чиқарилаётган 20 дан ортиқ турдаги трикотаж маҳсулотларининг асосий қисmini экспорт қилиш режалаштирилган. Энг муҳими, фабрика ишга туширилиши билан тумандаги 200 нафардан ортиқ хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Шу ерда "Ҳар бир оила — тадбиркор"

дастурининг Андижон вилояти мисолидаги концепцияси намойиш қилинди. Ушбу дастур меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини тадбиркорлик, хунармандлик, фермерлик, касаначиликка ўргатиш орқали уларга даромад манбаи яратиб беришга қаратилган.

— Андижонда аҳоли зич жойлашган. Бир-иккита завод бир фойзал аҳолининг иш билан таъминлай олмайдди. Бу ерда одамларни фақат тадбиркорлик, хунармандлик орқали боқиб туриш мумкин. Хонадонларга маблағ ва зарур ускуналар бериб, иш юритишни ўргатсак, одамлар ўзини ўзи боқадди. Оиласини озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур маҳсулотлар билан таъминлашга қийналмайди. Сарфлаган пулимиз бир йилдан кейин икки ҳисса бўлиб қайтади. Одамларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликка ўргатишнинг иқтисодий механизми мана шундай бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Андижон вилоятига ўтган йилги ташрифи чоғида дори-дармон ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳам топшириқлар берган эди. Ушбу кўрсаткичлар ижросини таъминлаш мақсадида Андижон туманидаги "Zamin Bio Health" масъулияти чекланган жамияти инсулин дори воситаси ишлаб чиқариш корхонасини барпо этди.

Туманинг Хартум қишлоғида жойлашган бу завод Марказий Осиёда ягона бўлиб, йилга 10 миллион флакон дори воситаси ишлаб чиқариш қувватига эга.

Шу пайтгача инсулин юртимизга четдан келтирилган. Заводнинг ишга туширилиши билан ушбу дори воситаси импорти ҳажми камаяди, валюта тежаллади, қолаверса, нарх пасаяди. Масалан, ҳозирги пайтда бир флакон инсулиннинг бозор нархи 36 минг сўм бўлса, мазкур корхона бу дорини 20 минг сўмдан етказиб бериши мумкин.

Лойиҳа қиймати қарийб 28 миллиард сўм бўлган заводга Германия, Франция, Швейцария, Хитой, Хиндистондан замонавий ускуна ва технологиялар келтириб ўрнатилди.

— Бу жуда долзарб ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа, — деди Шавкат Мирзиёев завод мутасаддилари билан мулоқотда. — Инсулинга эҳтиёжи бор бемор дори тополмаса, ҳаёти хавф остида қолади, чорасини кўрмаган, деб биздан норози бўлади.

Президентимиз маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бозорга кириб, рақобатбардош бўлганча уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, дори субстанцияларини рўйхатдан ўтказишда қўмаклашиш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда "Zamin Bio Health" масъулияти чекланган жамиятида кукунли антибиотик ишлаб чиқариш, вилоятда фармацевтика санаятини ривожлантиришга оид бошқа лойиҳалар тақдими бўлиб ўтди.

19 май куни Андижон туманидаги "Andijan Silk.Co" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси пиллани қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йирик мажмуани ишга туширди. Президентимиз корхона фаолиятига старт берувчи рамзий тугмани босди. Бу ерда амалга оширилган ишларни кўздан кечирди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 мартдаги қарори асосида ташкил этилган "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси томонидан бутунги кунда тармоқни жадал ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни жалб этиш, ипак куртини янгича усулда парварилаш, хоржий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш орқали пилла сифати ва микдорини ошириш, аёллар ва ёшларни доимий иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Andijan Silk.Co" қўшма корхонасининг қурилиш ишлари 5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Пиллани қайта ишлашни ташкил этиш учун 2 миллион 100 минг доллар эвазига Хитойда ишлаб чиқарилган ип йиғирув ва тикув машиналари келтириб ўрнатилди. Натижада 150 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Жорий йил охиригача ишчилар сони 300 тага етказилади.


Корхона тўлиқ қувват билан ишлаб бошлагач, йилга 300 тонна пилла қайта ишланади. 2018 йилнинг ўзида 5,1 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилиш имконияти яратилади.

— Бутун дунёда сифатли ипак матоларга талаб катта. Бундан йилга уч марта даромад оلسа бўлади. Демак, пиллачиликни ривожлантириш, кўпроқ бағр берадиган тут плантацияларини кўпайтириш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу ерда трикотаж, чарм-поябзал, қурилиш материаллари, калава ип ва газлама ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳалар тақдими ўтказилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Маъбулот хизмати сурати.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 май куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Мулоқот аввалида давлатимиз раҳбари Владимир Путинни Россия Федерацияси Президенти лавозимига киришгани билан яна бир бор самимий табриқлади ва фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон ва Россия ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари жадал ривожланаётгани ва изчил мустаҳкамланиб бораётгани, шунингдек, ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорликда эришилган юқори натижалар чуқур мамнуният билан алоҳида қайд этилди.

Мулоқот давомида давлат раҳбарлари Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифига тайёргарлик доирасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида, жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия фаолияти доирасида аввал эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни амалга ошириш муҳим экани таъкидланди.

Шу муносабат билан Россиянинг етакчи компания

ва банклари иштирокида энергетика мажмуи, металлургия, машинасозлик, электротехника санаяти ва бошқа юқори технология тармоқларида истиқболли лойиҳаларни тайёрлаш масалаларига эътибор қаратилди.


Худудлар даражасида фаол мулоқотларни давом эттириш ҳамда жорий йил кузига Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ва Россиянинг биринчи худудлараро форумини ўтказиш бўйича келишиб олинди.

Туризм ва маданият соҳаларидаги алмашинувларни янада кенгайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ўзаро манфаатли дастурларни амалга ошириш зарурлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари халқро сийсатининг долзарб масалаларини ҳам муҳокама қилдилар. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот сўнгида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентлари турли форматларда яқин ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканликларини таъкидладилар.

Ў.А.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлат раҳбарлари олий даражадаги мунтазам учрашувлар ва мулоқотлар давомида эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали шерикликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзаро савдо ҳамда барқарор суръатларда ортиб бораётгани, бу жорий йилнинг ўзидаёқ ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичини 3 миллиард долларга, яқин йилларда эса 5 миллиард долларга етказиш имконини бериши чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатларимизнинг иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлигида мавжуд улкан салоҳиятдан самарали фойдаланишга қаратилган худудлараро алоқаларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар санаят, энергетика, транспорт соҳаларида ва иқтисодийнинг бошқа тармоқларида истиқболли

қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан бирдек манфаатдор экани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг самарали фаолиятини, шунингдек, Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида биргаликда муваффақиятли амалга оширилаётган тадбирларни юксак баҳоладилар.

Шунингдек, халқро сийсат ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот сўнгида Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришда интилиши қатъий эканликларини таъкидладилар.

Ў.А.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, худудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш соҳасида изчил сийсат амалга оширилмоқда.

Хусусан, қисқа муддатда каттик маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимининг инфратузилмасини такомиллаштириш, умумий қуввати йилга миллион тоннадан ортиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш қувватига эга бўлган маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерларини ташкил этиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилди. Қўрилган чора-тадбирлар аҳолини санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан қамраб олиш қўламининг ўн баравардан зиёд ортишига имкон берди.

Шу билан бирга, экологик хавфсизликни

таъминлашга қўлай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, аҳоли пунктларининг санитария ҳолатини лозим даражада шакллантиришга айрим тизимли муаммолар тўққинлик қилмоқда, хусусан:

**Биринчидан**, тегишли инфратузилмани қоникарсиз ҳолатта ва аҳоли пунктларни хизматлар билан тўлиқ қамраб олинишининг таъминланмаслигига олиб келувчи маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат-хусусий шериклик етарли даражада жорий этилмаган;

**Иккинчидан**, табиий ресурслардан оқилона фойдаланмасликка олиб келаётган иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланиш ҳолати, шунингдек, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш тизими замонавий талабларга жавоб бермайди;

(Давоми 2-бетда).

## Тарихий ташриф ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун пойдевор яратди

Шу йилнинг 15 — 17 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатларида илк расмий ташриф билан бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари, делегация аъзоси Соҳиб Сафоев муҳбиримизга икки мамлакат ўртасида стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берган мазкур тарихий воқеанинг аҳамияти, ташрифнинг асосий натижалари ҳақида сўзлаб берди.

### ИНТЕРВЬЮ

— Давлатимиз раҳбарининг ташрифи экспертлар ҳамжамияти, сийсатшунослар, шу жумладан, Американинг энг етакчи олимлари томонидан тарихий, деб баҳоланмоқда. Эътиборлиси, мазкур иборат илк марта Америка томонидан ишлатилгани бежиз эмас. Уйлайманки, ташриф учун "тарихий" ибораси қўллани-

ташқи сийсатда ҳиссийларга берилиш, субъектив ёндашувлар асосида иш тутиш мумкин эмас. Чунки сийсий вазиятга реал ва атрафчилик баҳо бериб, шу асосда аниқ қадамлар ташлаш керак бўлади. Бу билан нима демократия? Бугун Америка Қўшма Штатлари дунёнинг энг етакчи ҳамда катта таъсирга эга давлатлардан биридир. Хоҳлаймизми-йўқми, бировга ёқадими-йўқми, Америка халқро молия институтларида, хусусан, Жаҳон банки, Осиё таракхиёт банки, Европа банки ва шу каби бошқа нуфузли ташкилотларда ҳал қилувчи овозга эга. Қолаверса, АҚШ сийсий жараёнларда, хавфсизликни таъминлашда, жаҳон иқтисодийтида мавқеи жуда баланд давлат саналади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, сийсатда, айниқса,

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАИШЙ ЧИҚИНДИЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Учинчидан, аҳоли яшаш пунктларининг ифлосланишига сабаб бўлаётган полимер плёнкали материаллардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланилган ва улар тарқалган, шунингдек, муқобил биологик чирийдиган материаллардан фойдаланиш тизими мавжуд эмас;

Тўртинчидан, содир этилаётган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар, жумладан, атроф-муҳитни ифлослантирилганлик учун жавобгарликка тортилмаслик ҳиссининг пайдо бўлишига олиб келаётган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга чора қўриш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш тизими самарасиз;

Бешинчидан, соҳада мамлакатнинг ҳақиқий санитария-экологик ҳолатини баҳолаш имконини берувчи замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялари мавжуд эмас.

Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг сифатли санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан таъминланганлиги даражасини ошириш, шунингдек, экологик муаммоларни ҳал этишдаги мавжуд имкониятларни ишга солиш мақсадда:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2916-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига (кейинги ўринларда Давлат экология қўмитаси деб ўрилади) тадбиркорлик субъектларининг чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, қўриш ва реализация қилиш жараёнидаги иштирокини янада кенгайтиришни назарда тутиш вазираси юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат экология қўмитасининг мазкур соҳага инвестиция киритиш учун қулай шароит яратиш орқали маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш фаолиятига тадбиркорлик субъектларини давлат-хусусий шериклик асосида жалб қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 августдан: маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун туман ва шаҳар ҳудудлари (кейинги ўринларда — ҳудудлар) тадбиркорлик субъектларига давлат-хусусий шериклик асосида чиқинди тўплаш шохобчаларида лозим даражадаги тозаланиш таъминлаш, шунингдек, маиший чиқиндиларни мустақил равишда саралаш шарти билан бириктириб берилди;

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига давлат-хусусий шериклик асосида бириктириб бериш фақат танлов асосида, ноль ставкадан бошланувчи электрон аукцион йўли билан "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилади; жисмоний шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари оммавий шартномалар асосида кўрсатилади.

Белгилансинки: маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириб бериш бўйича танлов ўтказилмаган деб топиш ҳолларида, тегишли ҳудудлар "Тоза ҳудуд" ДУК ёки "Махсустрас" ДУКга танлов ўтказилмаган ҳолда бириктириб берилди;

Давлат экология қўмитаси маиший чиқиндилар билан

боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасига инвестицияларни жалб қилишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича тадбирларни мувофиқлаштиради.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Давлат экология қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда:

маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш учун ҳудудларни электрон аукцион ўтказиш йўли билан тадбиркорлик субъектларига бириктиришнинг "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали таққиллаштирилишини таъминласин.

5. 2019 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар таққилланади: полимер плёнкали пакетларни бепул бериш, уларнинг нархини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига сотиладиган товарлар нархига қўшиш, шунингдек, уларни ўз таннаридан паст нархларда сотиш (тутқичсиз ва товарларнинг ажралмас қисми ҳисобланган пакетлар бундан мустасно);

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қалинлиги 40 микрондан кам бўлган полимер плёнкали пакетларни ишлаб чиқариш (экспорт учун ишлаб чиқариладиган, тутқичсиз ва товарларнинг ажралмас қисми ҳисобланган, ҳўжаликда фойдаланиш учун рўлонларда сотиладиган полимер плёнкали пакетлар, шунингдек, биологик чирийдиган полимер материаллардан тайёрланган пакетлар бундан мустасно);

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига полимер плёнкали пакетларни (ТИФ ТН бўйича 3923 21 000 0, 3923 29 100 0, 3923 29 000 кодли) олиб кириш, жисмоний шахслар томонидан товарлар ва шахсий буюмларни ташиш ва қадоклаш учун олиб кирилган пакетлар, шунингдек, тамгаланган юк бўлинимасида транзит тарзида олиб ўтиладиган товарлар бундан мустасно.

Давлат экология қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси мазкур бандда белгиланган талабларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Давлат экология қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий тажриба ва жамоатчиликнинг ҳар томонлама муҳокамасини ҳисобга олган ҳолда, 2020 йил 1 январга қадар мuddатда фойдаланиш хусусиятини йўқотадиган сўғ атроф-муҳитга зарар етказувчи ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган товарлар гуруҳига экологик йиғимни жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан асосланган таклифлар киритсин.

7. 2023 йил 1 январгача бўлган мuddатда: маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар сотиб оладиган, мамлакатда ишлаб чиқарилган янги махсус автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатга олишда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жағмармасига тўланадиган йиғимлардан; "Тоза ҳудуд" ДУК ва "Махсустрас" ДУК ер солиғи ва давлат

мақсадли жағмармасига мажбурий тўловлардан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) бўшаётган маблағлари уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтирган ҳолда;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, товарларни қадоклаш ва жойлаш-ўраш учун биологик чирийдиган полимер материалларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида фойдаланиш учун ўрнатилган тартибда таққилланадиган рўйхатлар асосида олиб кирилган технологик усуналар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари);

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерларини ташкил қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ўрнатилган тартибда таққилланадиган рўйхатлар асосида олиб кирилган махсус техника, технологик усуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари) озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Марказий банкнинг:

маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерларини ташкил қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида хорижий кредит линиялари ҳисобидан ажратилган кредитларни (кейинги ўринларда — ажратилган кредитлар) миллий валютага алмаштириб, уларнинг фоиз ставкасини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган миқдорда белгилаб, реструктуризация қилиш;

кредитларни қайтариш жадвалларига тегишли ўзгаришлар киритган ҳолда, уларнинг сўнги тўлов мuddатларини реструктуризация қилинган санадан бошлаб 7 йил этиб белгилаш;

Берилган кредитларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг активлар сифатини таснифлаш тўғрисидаги талабларини қўлласлик, уларни қайта қўрилган кредитлар ҳисобвақарлигига ўтказмаслик ва улар бўйича захиралар ташкил қилмаслик тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

9. Қуйидагилар: 2019 — 2021 йилларда "Тоза ҳудуд" ДУКларни Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетини ва вилоятлар маҳаллий бюджетини маблағлари ҳисобидан махсус техника ва усуналар билан қўшимча жиҳозлашнинг прогноз параметрлари 1-иловага мувофиқ;

2019 йилда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетини ва вилоятлар маҳаллий бюджетини маблағлари ҳисобидан чиқинди тўплаш шохобчаларини қўриш ва уларни контейнерлар билан жиҳозлаш бўйича манзилли дастур 2-иловага мувофиқ;

2020 йилда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетини ва вилоятлар маҳаллий бюджетини маблағлари ҳисобидан "Тоза ҳудуд" ДУКларнинг фаолият кўрсатаётган амалдаги полигонларини жиҳозлаш бўйича манзилли дастур 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш бўйича Республика комиссиясига мазкур бандда назарда тутилган прогноз параметрлари ва манзилли дастурларга ўзгаришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси:

а) Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 июлга қадар мuddатда:

Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини; жисмоний шахсларга маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатиш бўйича намунавий оммавий шартнома лойиҳасини Вазирилар Маҳкамасига киритсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 августга қадар мuddатда: ҳудудларни ифлослантирилганлик учун шахсларни жавобгарликка тортишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқишни, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришни;

жамоат жойларида чиқиндиларни тўплаш учун контейнерлар (чиқинди қутилари)ни ўрнатишга, жумладан, уларнинг намунавий шакллари, шунингдек, ташкилотларнинг ўзларига тегишли бўлган биноларга яқин ёки туташ ҳудудларга мазкур контейнерлар (чиқинди қутилари)ни ўрнатиш бўйича талабларни назарда тутиш таклифлар киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар мuddатда:

аҳолига атроф-муҳит ҳолати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини берувчи, мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги фото ва видео материалларни жойлаштириш имкониятига эга бўлган махсус веб-портални яратиш ҳамда ҳар бир хабар берилган ҳолда бўйича тезкор чоралар қўриш тизими жорий қилинишни;

Давлат экология қўмитасининг расмий веб-сайтида мазкур соҳада давлат-хусусий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида мамлакат ҳудудлари кесимида аҳоли яшаш пунктлари, яшовчи аҳоли ва мавжуд контейнерлар сонини кўрсатган ҳолда барча чиқинди тўплаш шохобчалари жойлашнинг электрон харитасини кўрсатувчи саҳифа очилишини таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимлари маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларга тегишли бўлган махсус автотранспорт воситаларини уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган (қишлоқ ҳўжалиғи, қурилиш ва бошқалар) ишларга жалб қилинишига йўл қўйилмаслиги тўғрисида қатъий оғохлантирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирилар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б. Т. Қўкчор зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2018 йил 18 май

ХАЛҚИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧИ, ЯХШИ ЯШАШГА ИНТИЛИШИ ВА ИШТИЁҚИ ОРТМОҚДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятига ўтган йилги ташрифи давомида Асака туманида замонавий иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси билан танишган эди. "Асака" банкнинг туман филиалидан лойиҳа учун 1,5 миллион доллар маблағ ажратилиб, "Сабо ҳамкор" МЧЖ томонидан 5,8 гектар майдонда гидророника усуларида банан ва помидор етиштириладиган 2 та иссиқхона барпо этилди. Туркиянинг "Asya Modern Serachilik" компанияси билан тузилган шартномага асосан, ушбу маблағ эвазига хориждан иссиқхона усуналари олиб келинди.

"Сабо ҳамкор" МЧЖ томонидан бу ерга қўшимча 500 миң доллар маблағ сарфланб, умумий қиймати 2 миллион долларлик лойиҳа жорий йил март ойида тўлиқ ишга туширилди.

25 миң туп помидор кўчати экилган 1 гектарлик иссиқхонада жорий йилда 300 тоннагача ҳосил олиш ва қўшни давлатларга экспорт қилиш мўлжалланмоқда. 2 гектарда ташкил этилган иссиқхонада тажриба тариқасида 5 миң туп банан кўчати парвартирилмоқда. Банандан биринчи мавсумда 250 — 300 тонна ҳосил олиш кутилмоқда.

Президентимиз банан етиштириладиган иссиқхона кўздан кечирди. Уни кенгайтириш, махсулотни қайта ишлаш ва сақлаш шароитини яратиш, ҳосилдорликни ошириш юзасидан тавсиялар берди. Давлатимиз раҳбарига иссиқхоналарнинг компьютер орқали бошқариладиган совитиш ва мўътадил иқлим яратувчи тизими ҳақида ҳам маълумот берилди. Замонавий технология асосида иссиқхоналарга ўз вақтида керакли ҳарорат, минерал ўғит ва намлик берилди.

Туркиялик ҳамкорлар кўчат парваришидан то ҳосил етиштиришгача бўлган жараёни назорат қилиб бориш учун агрономлар жалб қилган. Шунинг ҳисобига 2-3 ойда етиладиган помидор ҳосилини 1-1,5 ойда олиш, икки йилда ўз марта банан етиштириш имкин бўлади.

Шавкат Мирзиёев кам иш кучи сарфлаб юқори ҳосил олиш имконини берувчи бундай иссиқхоналарни кўпайтириш кераклигини таъкидлади.

— Мамлакатимизга импорт қилинадиган банан пилмасдан узилади. Табиийки, бундай мевада витамин ва озуқа моддалари кам бўлади. Юртимизда бундай тропик меваларни етиштириш ҳар жиҳатдан фойдали бўлади, қолаверса, валюта тежалди, — деди Президентимиз.

Шу ерда 2018-2019 йилларда Андижон вилоятида аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган дастур ва лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига Андижон вилоятида чорвачилиқни ривожлантиришга оид лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. Жорий йилда мазкур йўналишдаги 40 лойиҳа ижроси натижасида 32 миң тоннадан зиёд сут, 400 тоннадан ортқ гўшт етиштирилди. Тармоқда жами 649 иш ўрни яратилди.

Ўтган йили вилоятга ташрифи давомида Президентимиз Ўрмон ҳўжалиғи илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиалини ташкил этиш бўйича топшириқ берган эди. Ҳозирги кунда филиалда 9 илмий ходим фаолият юритмоқда. Вилоятда давлат ўрмон ҳўжалиғини ривожлантириш бўйича қатор истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Агар 2016 йилда ўрмон ҳўжалиғи ерларида атиги 8 гектарда қишлоқ ҳўжалиғи махсулотлари етиштирилган бўлса, режага кўра жорий йилда келаси йилда бу кўрсаткич 830 гектарга етказилди. Адир ва тоғлиқ ҳудудларида pista, ёнғок, нўхат, ловия етиштирилиб, кўплаб доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди.

Давлатимиз раҳбари филиалда инновацияларни ривожлантириш бўйича фонд тузиш, вилоятда заъфарон ва наъматак каби доривор ўсимликлар етиштириш бўйича иқтисодий зона ташкил этиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди.

— Ўрмон ҳўжалиғида инновация қилмасак, даромад олиш қийин, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шунинг учун Андижон вилояти ўрмон ҳўжалиғида инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича 3 йилга мўлжалланган махсус қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Жорий йилда 11 тумандаги 300 гектар майдонда янги ҳовузлар барпо этилиб, балиқ етиштириш ҳажми 450 тоннага оширилди. Бундан ташқари, томоркаларда ҳамда 1050 гектар шולי майдонда Хитой ва Вьетнам технологиялари асосида балиқ етиштириш йўлга қўйилди.

Президентимиз балиқчилик, паррандчилик ҳисобидан аҳолининг гўшта эҳтиёжини таъминлаш кераклигини таъкидлади. Шунга мувофиқ, тармоқда ҳосилдорликни камда 12 — 15 миң тоннага етказиш вазираси қўйилди.

Вилоятда мева-сабзавот экспортини ошириш, қишлоқ ҳўжалиғи махсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш, тўқимачилик кластерини ташкил этиш, ил йиғирув ва тўқув махсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар ҳам муҳокама қилинди. Бундай чора-тадбирлар қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли даромад манбаини янада оширишда муҳим омил бўлиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари оқсоқоллар билан сўхбатда мамлакатимизда кенг қўламда бошланган қишлоқларни ободонлаштириш дастури ҳаётимизга янги мазмун олиб қираётгани, бундан одамларнинг кўнгли тоғдай кўтарилиб, эртанги кунга ишончи ортаётганини таъкидлади.

— Муборак Рамазон ойи кунларида Андижон вилоятига ташриф буюриб, тадбиркорлар ва аҳоли билан учрашадиганимиз, вилоят келахаги учун катта-катта режалар қилаётганимиз замирида чўқур маъно бор, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шу улғу кунларда амалга ошираётган ишларимиз андижонликлар ва бутун халқимизга хайр-барока олиб келсин, обод қишлоқларимиз кўпайсин.

Шу кун Улуғнор тумани ҳокимлигида вилоят фуқарolari ва мутасадди раҳбарлар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди.

Видеоселектор шаклидаги йиғилишда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, қўшимча манбалар топиш ҳисобидан иш ўринлари ташкил этиш, таълим, тиббиёт соҳаларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятига ташрифининг иккинчи кўни Шарқий ҳарбий округга қарашли қисмда бўлиб, янги Мудофаа доктринаси ижроси доирасида амалга ошириладиган ишлар билан танишди.

Харбий қисмларда бир қатор таркибий-ташкилий ўзгаришлар амалга оширилди — озик-овқат таъминоти бўйича аутсорсинг тизими жорий қилинди, ўқув бинолари, ётоқхоналар, спорт зали ва майдонлари замонавий таъмирланмоқда. Бу ҳарбий хизматчиларнинг бутун куч-ғайратини профессионал малака ва жанговар шайлиғини оширишга қаратиш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий хизматчиларнинг спорт машғулотларида қатнашиш жараёни билан қизиқди.

— Ҳарбийларимиз жисмонан бақувват, маънан юксак, Амир Темур,

Жалолиддин Мангуберди каби буюк саркардаларимизга муносиб бўлиши керак, — деди Президентимиз. — Бунинг учун улар жисмоний машғулотлар билан бирга, ҳар кун китоб ўқиши, тил ўрганиши, дунёқарашини кенгайтириши зарур.

Харбий қисм хизматчиларининг маънавиятини юксалтириш учун дам олиш кунлари бу ерда олимлар ва санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилади, саҳна асарлари намойиш этилади.

Шавкат Мирзиёев аскарлар, зиёлилар билан сўхбатлашди. Учрашувда шахсий таркибининг маънавий-руҳий тайёргарлигига етарлича эътибор қаратиш, бунинг учун зиёлилар, маънавий тарғиботчилар билан ҳамкорликни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Харбийларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларни ўй-жой билан таъминлаш ишларини жаддаллаштириш, жойларда фаолият юритаётган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини янада такомиллаштириш лозимлиги қайд этилди.

Президентимиз вилоятга ташрифи давомида Андижон шаҳрида аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, ўй-жойга эҳтиёжини таъминлаш борасида олиб бориладиган ишлар билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ўтган йилги ташрифи доирасида Андижон шаҳрининг "Ўзбегим" маҳалла фуқаролар йиғинида барпо этилаётган 7 қаватли 5 та ўй билан танишиб, бу ерни замонавий массивга айлантириш бўйича тавсиялар берган эди.

Собиқ консерва заводининг ўрни бўлган бу ерлар қаровсиз, кўрмисиз жойлар эди. Президентимизнинг топшириғидан сўнг бу ерда 5 та ўй қурилиб, 2017 йил декабрь ойида ўз ағаларига топширилди. Ўйлар билан бирга ҳудудга оройиш бериб турган замонавий инфраузулма барпо этилди, атрофга ўриндиклар ўрнатилиб, болалар майдончалари, минимаркет, дўкон, новвойхона, автотурароғх қурилди.

Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг топшириғи асосида ҳудудда яна 9 та, шаҳар бўйича жами 14 та кўп қаватли ўй қурилмоқда. Тураржойларнинг жорий йил сентябрь ойида ўз ағаларига топшириш қўзда тутилган.

Маҳалланинг Шимолий қисмидаги ҳовиллар ўрнига ҳам кўп қаватли ўйлар, 1000 ўринли мактаб, 280 ўринли боғча, меҳмонхона, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш режалаштирилган.

Президентимиз Андижонда аҳолини ўй-жой билан таъминлаш долзарб эканини инобатга олиб, шу йилнинг ўзида қўшимча яна бешта 7 қаватли ўй қуриш бўйича топшириқ берди.

— Шу тариқа бу йил Андижон шаҳрида 19 та, яқин йилларда жами 50 та кўп қаватли ўй бунёд этилади. Янги ўйлар Андижонда ўй-жойга эҳтиёжини таъминлашга эришиш имконини беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Андижон шаҳрининг 2035 йилгача мўлжалланган Бош режаси ва шаҳарда амалга ошириладиган бошқа ижтимоий инфраузулма объектларини қуриш-реконструкция қилиш лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Бугунги кунда Андижон шаҳрида 422 миң аҳоли 15 миң гектар жойда истикомат қилмоқда. Президентимизнинг ўтган йилги топшириғи асосида "ЎзшарҳарозликЛИТИ" ДУК томонидан шаҳарнинг янги бош режаси лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унда Андижон тумани ва қисман Олтинкўл тумани ҳудудидан 6 миң 300 гектар майдонни Андижон шаҳрига қўшиш қўзда тутилган.

Президентимиз Бош режада қўзда тутилган мақсадларга эътибор қаратди. Андижон шаҳридаги Девонабой масжиди ҳамда Ю. Отабевон кўчасини капитал реконструкция қилиш лойиҳалари юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини берди. Мазкур кўнадан оқиб ўтувчи канал буйи ободонлаштирилиб, атрофда одамлар дам оладиган сайилгоҳ барпо этилмоқда. Ҳозирги қангача каналнинг 500 метр қисмидаги ишлар бажарилган, Мустақиллик байрамигача 3,5 километрлик қисми тўлиқ обод этилади.

Шавкат

# Тарихий ташриф ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун пойдевор яратди

(Давоми. Бошланчи 1-бетда).

Шунинг учун океанортидаги ушбу давлат билан ҳамма ҳамкорликни йўлга қўйишни истади, лекин бу жараён жуда мураккаб бўлиб, барча ҳам бундан урдали олмади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга расмий ташрифи Ўзбекистон ҳамда АҚШ ўртасида стратегик шерикликни, биринчи навбатда, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига тўлақонли мос келадиган йўналишларда ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Фикримча, ташрифнинг энг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, дунёда, жумладан, Америкада янги Ўзбекистон вужудга келгани тани олинмоқда. Янги давлат, авваломбор, янги имиджга, янги халқро обрўга ва янги хурматга эга бўлган давлат дегандир. Муболагасиз айтиш мумкинки, Америкага ташриф, ушбу мамлакат сиёсий элитаси билан ўтказилган музокаралар бунинг аққол тасдиғи бўлди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Президентининг бугунги кунда халқро микдосда катта обрўга эга эканлиги, энг етакчи давлатлар раҳбарлари томонидан юқори ҳурмат билан тилга олинаётгани ташрифнинг муваффақиятли ташкил этилишида муҳим роль ўйнади. Бунга, айниқса, АҚШ Конгрессидаги мулоқотлар мисолида гувоҳ бўлди. Биласизми, АҚШ Конгресси бошқа мамлакатлар қонун чиқарувчи органларидан фарқ қилмайдиган кучли сиёсий институт

хисобланади. Бу мамлакатда ички ҳамда ташқи сиёсатга дахлдор барча масала Конгресс тасдиғисиз, мазкур муассаса маъқулла-маса, амалга ошмайди. Хар қандай дастурларни молиялаштириш, у ёки бу лавозимга кадрлар тайинлашда ҳал қилувчи гапни АҚШ Конгресси Сенати ва Вакиллар палатаси айтади. Масалан, Президентимиз учрашган сенатор Оррин Хэтчни оладиган бўлсак, у АҚШ сиёсий иерархиясида, яъни истеблишментда тўртинчи позицияда туради. У нафақат АҚШ Сенатининг ҳал қилувчи кўмитаси, яъни бюджетни тасдиқлайдиган ва тақсимлайдиган кўмита раиси, шу билан бирга, АҚШ Сенати раиси ўринбосари саналади. Трент Келли ҳамда бошқа конгрессменлар эса иқтисодий, хавфсизлик масалаларида катта мавқега эга сиёсатчилар. Уларнинг Америка ташқи сиёсатига тасири жуда юқори.

Президентимиз билан мулоқотда бўлган америкалик сенатор ва конгрессменлар, биринчи гада, Ўзбекистондаги ислохотларга, жумладан, давлат бошқаруви тақомиллаштириш, демократияни, иқтисодий эркинликни илгари суриш борасидаги ишларга ниҳоятда яхши баҳо беришди. Илгариги тажрибамдан биламанки, Конгрессдаги сўхбатлар, музокаралар жуда оғир ўтар эди. Доимо саволлар, танқидий мулоҳазалар ўртага ташланарди. Бу гал — тажрибамда биринчи марта Америка Кўшма Штатларида олқидан

бошқа гап эшитмадик. Мисол учун, конгрессмен Трент Келли ўтган йили саккиз кишилик делегацияга раҳбарлик қилиб, юртимизга ташриф буюрган эди. У мамлакатимизга узокдан, юзакни билан қараб, бу тақлифни яқин кунларда қўриб чиқажакларини айтишди. Чунки, уларнинг фикрича, мазкур ҳамкорлик механизмидан танишгани асосида ислохотлар мислиси тарзда ривожланиб бораётганини, Шавкат Мирзиёев етакчилигида амалга оширилаётган оқилона, қатъий ҳамда узокни кўзланган янгиланишларни тўлиқ қўллаб-қувватлашни билдирди. Америкалик сиёсатчининг айтишича, айнан кенг қўламли ислохотлар эвазига Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ишонч аввалги даврлардаги нисбатан кескин мустаҳкамланди.

Сенатор Хэтч ҳам Ўзбекистон раҳбарини дунёнинг энг йирик сиёсий арбоблари сафида эътибор олади ҳамда Шавкат Мирзиёевнинг доврак ва пухта сиёсатини қўллаб-қувватлашни билдирди.


Ўзбекистон тарафи ҳам Конгресснинг АҚШ ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги тугган ўрнини инобатга олган ҳолда, бу муассаса билан тизимли равишда муносабат ўрнатилган кизиқиш билдирмоқда. Президентимиз АҚШда Ўзбекистон билан парламентларо алоқалар

ни илгари суришга қаратилган қўйс, яъни ҳамкорлик гуруҳини таъсис қилиш ташаббусини билдирди. АҚШлик конгрессменлар мазкур ташаббусга катта қизиқиш билан қараб, бу тақлифни яқин кунларда қўриб чиқажакларини айтишди. Чунки, уларнинг фикрича, мазкур ҳамкорлик механизмидан танишгани асосида ислохотлар мислиси тарзда ривожланиб бораётганини, Шавкат Мирзиёев етакчилигида амалга оширилаётган оқилона, қатъий ҳамда узокни кўзланган янгиланишларни тўлиқ қўллаб-қувватлашни билдирди. Америкалик сиёсатчининг айтишича, айнан кенг қўламли ислохотлар эвазига Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ишонч аввалги даврлардаги нисбатан кескин мустаҳкамланди.

Хулоса ўрнида айтганда, ўзаро муносабатлардаги тарихий воқеа бўлган мазкур ташриф миллий манфаатларимизга уйғун равишда икки томонлама ҳамкорликни янги поғонага кўтариши, шубҳасиз.

Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.

# Ўзбекистон ва Европа иттифоқи: Муносабатларнинг янги истиқболлари



## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Мулоқот чоғида мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мурофиқ, Ўзбекистонда давлат ҳамда жамият қурилиши тизимини тақомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодий-либераллаштириш, ижтимоий-соҳани тараққий эттириш, хавфсизлик ҳамда миллатларо то-тувлиқни таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасида рўйбга чиқарилаётган ўзгаришлар, халқ билан мулоқотнинг самарали ҳамда ноб тизими асосидан муфассал маълумот берилди.

Кўйи палата Спикери меҳмонларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, сиёсий партиялар ва фракциялар, янги тузилган кўмиталар, комиссиялар ҳамда ҳорижий парламентлар билан ҳамкорлик қилиш доирасида ташкил этилган дўстлик гуруҳлари, шунингдек, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари инсти-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов Европа иттифоқининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича Кенгаши делегациясининг ишчи гуруҳи аъзолари билан учрашди.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов Европа иттифоқининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўйича Кенгаши делегациясининг ишчи гуруҳи аъзолари билан учрашди.

тути фаолияти ҳамда "Mening fikrim" жамоавий электрон муро-ваб портални таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасида рўйбга чиқарилаётган ўзгаришлар, халқ билан мулоқотнинг самарали ҳамда ноб тизими асосидан муфассал маълумот берилди.

Сўхбат давомида юртимиз парламенти хорижий ҳамкорлар билан дўстона ҳамда ўзаро фойдали муносабатларни жадал ривожлантираётгани ўз эътирофини топти. Ўзбекистон ҳамда ЕИ ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик Келишувини доирасида парламент ҳамкорлиги кўмитаси, шунингдек, савдо ҳамда инвестициялар, адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқларига оид 6 та ҳамкорлик ташкилоти тузилгани бунга аққол мисодир.

Шу билан бирга, бугун Ўзбекистонда Европа иттифоқи

# Фуқаролар манфаатларини самарали ҳимоялаш кучайтирилмоқда

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳал ислохотлар, қабул қилинаётган муҳим ҳужжатлар таъминлаш ҳаётини юксалтириш борасида, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳамда манфаатларини таъминлаш, юртимизнинг ҳуқуқ ва хавфсизлигини ишончли ҳимоя қилишида долзарб аҳамият касб этмоқда.

## ДЕПУТАТ ФИКРИ

Президентимизнинг жорий йил 14 майдаги "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам суд-тергов амалиёти таҳлили, аҳоли билан бевоқиф мулоқот натижалари асосида қабул қилинган бўлиб, ушбу соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Бинобарин, унда жиноят ҳамда жиноят-процессуал қонунчилиги тизимидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали муҳофазалаш, жиноят ишлари бўйича судгача ҳамда суд жараёнида қўнунийликни таъминлашга тўққонлиқ қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги, алоҳида турдаги жиноятларни содир

этанглик учун санкциялар қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига номувофиқлиги, жумладан, жазонинг муқобил турлари, рағбатлантирувчи нормалар ҳамда жомоат таъсир чоралари етарли даражада қўлланилмагани ва самарасизлиги алоҳида ифодаланган.

Шунингдек, тезкор-тергов тadbирларини ўтказиш сифатининг қонирқислиги ҳамда процессуал қонунчилик талабларини бузган ҳолда олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланилиши, халқро амалиётда эътибор эътибор эътибор эътибор институтларнинг етарли даражада имплементация қилинмагани, суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш жуда паст даражада экани очик кўрсатиб ўтилган.

Қарорда амалга оширилаётган ишларга тўққонлиқ қилаётган муаммолар назарда тутилган ҳолда, бу бўйича қонунчиликни тақомиллаштириш ва баҳарлиши лозим бўлган чора-тадбирлар ифодаланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини тақомиллаштириш концепцияси тасдиқланиб, жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш, жиний жавобгарлик ҳамда жазо тизимини тақомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳамда давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза этилишини таъминлаш унинг асосий йўналишлари ҳамда вазифалари этиб белгиланди.

Жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш, жиноят процессида шахсининг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини кафолатларини ишончли таъминлаш механизмидаги тақомиллаштириш, жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини қиритиш лозимлиги ҳам қатъий кўрсатиб ўтилди.

Албатта, буларнинг барчаси мамлакатимизда "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун"

деган ҳаётий тамойил рўйбга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ушбу ҳужжатда жиноят ишлари бўйича иш юритувчи электрон шаклда юритиш ҳамда процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида суриштирув идораларининг прокуратура, судлар ва жазони ижро этиш органлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан маълумотлар алмашинуви имкониятини берувчи ҳимояланган тизимни, жумладан, ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базаларини интеграция қилиш, жиноят ишлари бўйича статистика юретишни автоматлаштириш орқали жорий этиш назарда тутилмоқда. Бу, ўз навбатида, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий қилинишини кафолатлаш борасида, ортқиқа вақт сарфланишига барҳам беради.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарорида белгиланган талабларнинг амалга оширилиши келгусида суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари муҳофазасини таъминлаш, суд ҳамда тергов органларининг маъмулиятини кучайтириш, халқимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва судга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шерзод Тўхташев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси.

# Олий суд Пленуми мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлиси бўлиб ўтди.

Олий суд раиси К. Комилов бошқарган тадбирда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси жамият-тимизда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларни исчил давом эттириш, фуқароларнинг судга мурожаат қилиш, суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини янада кенгайтиришда муҳим ўрнни тутаётгани алоҳида таъкидланди.

Кайд этилганидек, жорий йилнинг 1 апрелидан эътиборан янги таҳриридаги Фуқаролик процессуал кодексини, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс ва Иқтисодий процессуал кодекс амалга киритилганини жамият-тимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Дунёнинг тараққий топган давлатлари амалиётини чуқур ўрганиш ҳамда ислохотлар жараёнида тўлганан бой тажрибамиз асосида ишлаб чиқилган ушбу ҳужжатлар оид судлов самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ва қонуний манфаатларини

фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарор лойиҳаси билан судлар эътибори, процессуал нормаларга риоя қилмаслик тарафлар ва ишда иштирок этивчи бошқа шахслар ҳуқуқлари бузилишига олиб келишини инобатга олган ҳолда, фуқаролик ишларини қўришда фуқаролик процессуал қонун нормаларига қатъий риоя қилиш зарурлигига қаратишмоқда.

"Маъмурий ишларни қўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги Пленум қарори лойиҳаси эса судлар эътиборини маъмурий ишларни юритиш бўйича процессуал қонун нормаларига қатъий риоя этиш, уларни қўриш қилиш сифатини яхшилаш, ҳар бир иш бўйича қонуний ҳамда асосланган қарор қабул қилиш муҳимлигига йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир.

Тадбирда, шунингдек, яна бир қатор қарор лойиҳалари муҳокамадан ўтказилди.

Пленум мажлисида қўрилган масалалар асосида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Ҳаётий янгиланишлар, жадал ислохотлар

Ҳаёт фаровонлиги, орзулар рўйи унга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатга, ҳолис ниyyətа боғлиқ. Бунинг тасдиғини, ҳар биримиз ўз ҳаётимиз мисолида қўриб турибмиз.

## «ЁШЛАР — ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ»

Аввал хабар берганимиздек, Наманган вилоятининг Норин туманини мамлакатимиздаги намунали худудга айлантириш мақсадида кенг қўламли тadbирлар амалга оширилди. "Ёшлар — Ўзбекистон келажаги" дастури асосида баҳарли ишлар одамларда катта таассурот қолдирди. Негаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуронбоев бошчилигидаги республика ишчи гуруҳи томонидан 57 маҳалла фуқаролар йиғини тўлиқ қамраб олинди. Президент девони, вазирилик ҳамда кўмиталар, идоралар ва ташкилотлар масъул ходимлари, адлия, ҳуқуқ-тартиб-тоб, маданият, спорт, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа соҳалар вакиллари, шунингдек, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари олий таълим муассасалари ректорлари, профессор-ўқитувчиларидан иборат гуруҳ аъзоларининг ҳуқуқий, тиббий маданияти ҳамда маънавиятини юксалтириш бўйича жонли мулоқотлар ўтказди.

Жумладан, хондонма-хондон юриб, 20 мингдан зиёд аҳоли ва ёшлар билан юзма-юз сўхбат ўтказилди. Аниқланган 6 минг 888 та муаммонинг 4 минг 911 таси жойида ечим топди. Кўп йиллар давомида қишлоқ жойларда одамлар учун зарур шароитлар яратиб бериш, турмуш даражаси ҳамда сифатини ошириш, уларнинг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаганини оқибатида айримлар боқимандалик қайфиятига берилди. Узунинг уй-жойи, ҳовли ва томорқасига ҳам қарамай қўйди. Ачинарлиси, бу салбий иллат фарзандлар тарбиясига ҳам таъсир кўрсатди. Норин тумани ҳам бундан мустасно эмас. Урганишлар давомида ишчи гуруҳлар салкам йигирма бир минг хондонга бевосита ташриф буюриб, табиий газ, электр энергияси, кўмир таъминоти, йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви, бандлик, соғлиқни сақлаш, уй-жой, тadbиркорликни бошлаш, кредит олиш, ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, ҳуқуқбузарлик профилактикаси ҳамда бошқа кўплаб масалалар билан боғлиқ етти мингга яқин муаммоларни аниқлагани бунинг аққол далилидир.

Хозирги кунда туманда истиқомат қилаётган 157 минг нафардан зиёд аҳолининг 95 минг нафари ёшлар бўлиб, уларнинг мингдан зиёди кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзанди. 43 нафари ногиронлиги бўлган шахс. Бироқ туманда уларнинг тақдирини, орзу-интилишларини даярли ҳеч ким қизиқмагани ўта ачинарли ҳолатдир. Таъкидлаш лозимки, ишчи гуруҳ асосий эътиборни аниқланган муаммоларни жойида ва тез фурсатда ҳал этишга қаратгани норинликлар қайфиятига ижобий таъсир қилди. Ечинини кутаётган масалалар юзасидан режа асосида мuddати ҳамда ижрочилари аниқ белгиланган дастур ишлаб чиқилиб, ижрога йўналтирилгани маҳаллий бошқарув органларини масъулиятини оширди.

Туманда бугун қарийб уч ярим минг нафар ишсиз, тўрт мингдан зиёд доимий иш жойига эга бўлмаган ёшлар бўлгани ҳолда, уларнинг бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш бўйича амалий ҳаракатлар сустилича қолмоқда. 2018 йил давомида атиги 260 нафар йигит-қиз, жумладан, лицей ва коллежаларнинг 172 нафар битирувчиси ишга жойлаштирилган, ҳолис. Ишчи гуруҳ саъй-ҳаракати билан қисқа фурсатда 1 минг 776 нафар ишсиз ёшнинг мутахассислиги бўйича бандлиги таъминланди. Тadbиркорлик фаолиятини бошлаш

истагидаги ёшларнинг 344 нафарига жами 5 миллиард 283 миллион сўм микдорда кредит маблағлари ажратилган бўлди. Ёшлар иттифоқи 18 нафар ёш тadbиркорга 2,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредит олишга имкон яратди. Яна 34 нафар ёш тadbиркорга биноиншоотлар ҳамда ер-майdonлари ажратилди. Бунинг натижасида 823 нафар аҳоли бандлиги таъминланди. 333 та иш ўрни яратилди. Ёшларнинг 70 та йирик лойиҳаси сараланиб, 32 миллиард 560 миллион сўм кредит ресурслари ажратилга бошланди. Тажриба тариқасида тумандаги 233 та фермер хўжалиги учун юрият ва иқтисодчи даражасига ишга жойлаштириш мақсадида 317 нафар ишсиз ёш Давлат бошқаруви академиясига малака ошириш курсларига жалб этилди.

Айни вақтда Норинда юзга яқин мактабгача, умумтаълим ҳамда касб-хўнар таълими муассасалари мавжуд. Таълим тарбия борасида хал қилувчи босқич ҳисобланган мазкур муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан, янги босқичлар қуриш, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтариш юзасидан амалий ҳаракатларга ўтилмаётгани эса кишини таажубга солади. Биргина 2018 йилнинг ўтган даврида ёшлар ўртасида саккизта жиноят ҳамда 463 та маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилгани, беш нафари ўз жонига қасд қилишга урингани худуддаги ижтимоий вазиятни соғлом-

ди. Норинкапа қишлоғидаги 40-умумтаълим мактаби барча йўналиш бўйича энг намунали мактабга айлантилди. Таълим масканининг 28 та синф хонаси, бино йўлаклар ва фойёси қайтадан таъмирланди. Инглиз тили ҳамда математика фанларидан олимпиадалар уюштирилиб, голибларга олий ўқув юртига контракт асосида қабул қилинган тақдирда, бир йиллик тўлов маблағини қоплаш бўйича тасвирномалар тақдим этилди.

Ишчи гуруҳ ташаббуси билан ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турган воғга етмаганлар, тарбияси оғир ва ноқобил оилалар фарзандлари, ишсиз ёшлар — жами 200 нафарга яқин йигит-қизлар иштирокида "Китоб-хонлик — жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарали йўли" мавзусида китобхонликни тарғиб этиш бўйича тadbир ўтказилди. 20 минг аҳоли чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилди. Шунингдек, ташкилот ҳамда муассасаларда саломатлик бурчларини ташкил қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи ўйнаб видеороликлар намойиш қилинди. Кўнлик ва ҳафталик режа асосида спортнинг бир қатор турлари бўйича мунтазам мусобақалар ўтказилди. Бунинг учун тумандаги 57 маҳаллада спорт майдончаларини барпо этишга киришилди. Тумандаги марказий "Шодлик" стадионига ташкил қилинган гала-концерт эса норинликларга хушайфият улашти.

Фохридин ҚАРИМОВ.



Жошид БҒЕКОВ (ўса) олган сурат.

## Ёшлик шижоати намойиши

Жиззахдаги "Сўғдиёна" мажмуасида "Умид ниҳоллари — 2018" спорт мусобақасининг вилоят босқичи голиб ҳамда совриндорларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди. 224 минг нафардан зиёд ўқувчиларни ўз бағрига олган 542 та умумтаълим мактабида "Ёшлик ва спорт байрами" шиори остида спортнинг 21 тури бўйича ўтказилган мусобақалар қизғин курашларга бой кечгани

мазкур тадбирда алоҳида эътироф этилди. Шароф Рашидов тумани вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб, Президент совғаси — "Damas" автомашинасини қўлга киритишди. Жиззах шаҳри ҳамда Фаллаорол тумани спортчилари ҳам нуфузли ўринларни эгаллашиб, "Умид ниҳоллари" кубоги, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.



Алишер ИСРОИЛОВ (ўса) олган сурат.

Самарқанд вилоятида 2017 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ўтказилган мусобақаларнинг мактаб, туман (шаҳар) босқичларида минглаб ўқувчилар қатнашган эди. Кузги ва қишки таътиллار пайтида минифутбол, енгил атлетика, бадий гимнастика, шахмат ҳамда шашка, баскетбол, волейбол, бокс, кураш, белбоғли кураш каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилган.

Самарқанд шаҳридаги "Муъжиза" амфитеатрида голибларни тақдирлаш ма-

росими бўлиб ўтди. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг вилоят финал ўйинлари якунига кўра, спортнинг 21 тури бўйича умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Самарқанд шаҳри жамоаси эгаллади ва Президент совғаси — "Damas" автома-

шинаси соҳиби бўлди. Ургут ҳамда Булунғур туманлари жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Мусобақаларда иштирок этган 3568 нафар ўқувчининг 1216 нафари қизлар эди. Мусобақа голибларига тегишли даражадаги кубок, диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Маросимда таниқли санъаткорлар томонидан тайёрланган концерт ҳамда ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.

Толибжон ЭРГАШЕВ,  
Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,  
Аҳад МУҲАММАДИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбирлари.

## Табиий экотизим: ЭКОЛОГИК БАҲАРАРЛИК КАФОЛАТИ

Биологик турларни сақлашнинг аҳамиятини чуқур англаш, халқаро ҳамжамиятнинг хабардорлигини ошириш мақсадида БМТ ташаббуси билан 22 май "Халқаро биологик хилмаҳиллик куни" деб эълон қилинган. Ушбу экологик сана бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам кенг нишонланади.

"Биологик хилмаҳиллик" тушунчаси ердаги ҳаётнинг турли-туманлигини, ҳайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар, уларнинг генлари ва экотизимларини англайди. Унда маълум бир организм тўғрисида статистик маълумот эмас, балки биологик ўзаро муносабат ўз аксини топган. Шу маънода, жамиятнинг иқтисодий, экологик ҳамда маданий-эстетик эҳтиёжларини қондиришнинг ушбу салоҳиятли ресурси ранг-баранглигини таъминлашдан туриб, барқарор ривожланишга эришиб бўлмайди. Ачинарлиси, дунё бўйлаб ишлаб чиқариш, савдо, қишлоқ ҳўжалиги ва саноат тармоқларининг ривожланиши, уй-жой қурилиши, аҳоли ўсиши замонавий моделларнинг тез ёйилиши боис биологик хилмаҳилликка инсон омилнинг таъсири юқорилигича қолмоқда.

БМТ томонидан 1992 йилда Рио-де-Жанейрода имзоланган Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги Конвенция экологик мувозанатни сақлашда давлатлардан кучли ирода ҳамда катта сийёсий кучни ишга солишда муҳим ҳўжжат бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон мазкур халқаро ҳўжатга 1995 йилда қўшилгани, республика ҳўкумати томонидан Ўзбекистон Республикасида Биологик хилмаҳилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси тасдиқлангани диққатга сазовор. Бугунги кунда Конвенция доира-



## 22 май — Халқаро биологик хилмаҳиллик куни

сидаги вазифаларни бажариш мақсадида мамлакатимиз умумий ер майдонининг 10 фоизини муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тоифасига киритиш борасида изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Зеро, ҳайвонот ҳамда ўсимлик дунёси генфондини, экотизимлар барқарорлигини сақлаб қолишда муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз биохилмаҳиллиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ана шундай табиий ҳудудларда муҳасам бўлиб, айна пайтда ўсимлик дунёсининг 4 минг 500 юксак тури мавжуд бўлса, шундан 324 таси, ҳайвонот оламининг эса 715 юксак тури учраса, шундан 184 таси Ўзбекистон "Қизил китоби"га киритилган.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, юртимизда мавжуд 8 та давлат

қўриқхонаси, битта давлат биосфера резервати, 2 та табиат миллий боғи, 10 та давлат бюртма қўриқхонаси, 6 та табиат ёдгорлиги, 3 та ёввойи ҳайвонларни қўпайтириш бўйича питомник фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бунда 30 га яқин қонунлар ҳамда юзлаб қонуности меъёрий ҳўжатлар қабул қилиниб, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни бошқариш бўйича муносабатларни тартибга солувчи мустақкам ҳўқуқий база яратилгани қўл келмоқда. Ўз навбатида, қонунчилигимиз янада такомиллаштирилиб, янги тушунчалар билан бойитилмоқда. Хусусан, "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимига биосфера резервати, сув муҳофазаси зоналари тушунчаси

киритилди. Шунингдек, хусусий бюртмаҳоналар ва парваришхоналар яратишга руҳсат берилди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик декларациясини тан олган ҳамда имзолаган томон сифатида, қолаверса, Миллий ривожланиш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган аниқ чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиб, ҳаётга жадал татбиқ қилиб келмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик соҳаларда барқарор ривожини таъминлашга хизмат қилади.

Ислом ХУШВАҚТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзоси.

## Кўприклар дилларни боғлайди

Нурота туманининг Сойкечар қишлоғига сой кечиб борилар, кечувни ҳар йили сел ювиб кетверишидан таъмирлашнинг адоғига етказиб бўлмас эди.

## Кулайлик

Давлатимиз раҳбарининг вилоят аҳли билан мулоқоти чоғида мана шу масала кўтарилиб, мутасадди идораларга тегишли топшириқлар берилди. Натихада қисқа муддатда узунлиги 36, эни 12 метр бўлган кўприк қурилди. Навоий кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан бунинг учун 1 миллиард 796 миллион 736 минг сўм маблағ сарфланди.

Темур ЭШБОЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

# «АГРОБАНК» ДАН ҲУНАРМАНДЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР!

«Ҳунарманд» уюшмасининг аъзосимисиз? Унда зарур минитехнология, асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмларни харид қилиш, шунингдек, айланма маблағларни тўлдириш учун банкнинг имтиёзли кредитларидан фойдаланинг!

Кредитлар энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробари миқдоридан 2 йил муддатга, 6 ой имтиёзли давр билан ажратилади.

- Асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар хариди учун — 7 фоиз.
- Айланма маблағларни тўлдириш учун — 14 фоиз.

Азиз ҳунармандлар, фаолиятингизни **AGROBANK** билан ривожлантиринг!

www.agrobank.uz  
Тел.: (0-371) 203-88-88.

/AgrobankChannel /agrobankuzbekistan

«Agrobank Mobile» иловасини юкляб олинг.

Download on the App Store GET IT ON Google Play

Хизматлар лицензияланган.

# ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ куйидаги маҳсулотларни тақдим этади:  
гальванизацияланган ва полимер қопламали  
ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида ролундан кесилган гальванизацияланган ва полимерик маҳсулотдан фойдаланилади.  
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

**ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ**  
• 0,4 мм. — 38 000 сўм/п.м. • 0,45 мм. — 42 500 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 65 500 сўм/п.м.

**ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ**  
• RAL 3005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м. • RAL 6005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м.  
• RAL 3005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м. • RAL 6005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот учун куйидаги телефон рақами бўйича мурожаат қилинг: (+ 998 95) 197-00-93

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545, 112 922 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Телефонлар:  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.

Ташхирриятта келган кўабмаалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгор.

Газета ташхиррият компьютер марказида термалда ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан сақлалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — М. Жошиқов.  
Навбатчи — Р. Шерқулов.  
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.05 Топширилди — 00.50 1 3 4 5 6